
Сектор раҳбарлари Ёшлар ишлари агентлигининг маҳаллалардаги вакили лавозимларига номзодларни суҳбатдан ўтказдилар

Тошлоқ тумани ҳоқими Абдуқаҳҳор Джурабаев, секторлар раҳбарлари, маҳалла тизими мутасаддилари, ёшлар ташкилотлари вакиллари ва янги ташкил этилаётган лавозимларга номзодлар иштирокида ўтказилган учрашувда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан маҳаллада ташкил этилаётган янги тизим ёшлар билан ишлаш самарадорлигини янги босқичга олиб чиқишга, ёшларнинг муаммо ва масалаларини маҳалланинг ўзида ҳал этишга хизмат қилишини таъкидлаб ўтди.

Туман ҳоқими 1-сектор ҳудудидаги маҳаллалардаги лавозимларга номзодларни суҳбатдан ўтказиб ҳаётий мисолларга асосланган саволлар билан номзодларнинг дунёқараши ва савиясини синаб кўрди.

Йиғилишда барча сектор раҳбарлари ўзларининг ҳудудларидаги номзодлар билан суҳбатлашдилар. Номзодларга янги тизим орқали амалга ошириладиган ишлар юзасидан маълумотлар берилди.

Тошлоқ тумани ҳоқимлиги Ахборот хизмати

2021-11-25 17:48:14